

№.....

12.05.2023 й

Жиззах шаҳри

**Молиявий ҳисоботлардан
фойдаланувчиларга**

**Мустақил аудиторлик ташкилотининг
«Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг
2022 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Фикр

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тамонидан 2021 йил 14 июнда руйхатга олинган МСНЖ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.Шарипов томонидан Хўжалик юритувчи субъект «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача даври учун бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БХМС) га мувофиқ тайерланган “Молиявий ҳисоботи”нинг ишончлилигини 2023 йилнинг 26 апрел куни тузилган шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача даври учун тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” ва “Хусусий капитал тўғрисида”ги ҳисоботлардан ҳисоботлардан иборат бўлган 2022 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БХМС) талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли стандартларга мувофиқ бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида проффесионал мулоҳаза юритиб ва проффесионал скептицизмни қўлладик. Бундан ташқари қуйидагилар бажарилди:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини олдик. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкинлиги;
- Корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқдик;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳоладик;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятини тугатиш буйича олиб борилаётган ишлар қонунчилик талабларига рио этилишини ўрганилди. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади.

МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti
директори

Аудитор



М.Гулбоев

М.Шарипов

Ўз.Р. МВнинг №05302-рақамли аудиторлик
малака сертификати 02.05.2015 йилда берилган.
02.05.2020 йилдан мuddатсиз даврга узайтирилган

Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар

Номи: «Пахтакор пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Реквизитлари: х.р. с, ОАТБ «Агробанк» МФО 00127 Пахтакор тумани филиали, ИНН: 201 000 437.

Юридик манзили: Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Буюк Ипак йўли» ҚФЙ, Завод кўчаси, 1-уйда.

Телефон: +99890-999-27-37

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Аудиторлик ташкилотининг номи: МЧЖ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti

Реквизитлари: х.р. 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122, ИНН 203679800.

Манзили: 130100, Ўзбекистан Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.

Телефон: +998972-226-55-78

WWW: JPA Audit-m Uz

e-mail: Maslaxataudit@mail.ru